УЎК 347.61

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОИЛАВИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАРИ

Ҳ.М.Исмоилова

Мақолада ўзбек халқининг оилавий қадриятлари ва урф-одатларининг келиб чиқиши, шаклланиши, трансформацион жараёнлари маданий ривожланиш босқичлари илмий адабиётлар ёрдамида таҳлил қилинган. Шу билан бирга, шарқ алломаларининг оила, оиладаги урф-одатлар, оилавий муносабатлар ҳақидаги қарашлари баён қилинган ҳамда оила қадриятлари ва урф-одатлари трансформациясининг сабаблари, унга таъсир қилувчи омиллар, фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *оилавий қадрият, урф-одат, диний тасаввур, эътиқод, оилавий муносабатлар, миллат, халқ, ўтмиш, трансформация.*

В статье опираясь на материалы научной литературы, исследуются генезис, формирование, трансформационные процессы, этапы культурного развития семейных ценностей и традиций узбекского народа. Вместе с тем, изложены взгляды мыслителей Востока о семье, семейных традициях и об отношениях между ее членами. Также с философской точки зрения рассмотрены причины трансформации семейных традиций и ценностей, и факторы, которые влияют на данный процесс.

Ключевые слова*: семейные ценности, традиции, религиозное представление, семейные отношения, нация, прошлое, трансформация.*

Тарихдан маълумки, ҳар бир ҳудуд, миллатнинг оиладаги қадриятлари ва урф-одатлари мавжуд. У инсонларнинг диний тасаввурлари, эътиқодлари, қизиқиш ва эҳтиёжларидан келиб чиқади. Оила қадриятлари муайян халқнинг бошқа халқлардан фарқланиб туришини таъминловчи муҳим этнографик белгилардан бири ҳисобланади [1. Б. 95]. У миллатнинг турмуш-тарзи, ўй-кечинмаларини ҳам ифодалайди. Шу билан биргаликда қадриятлар, оила аъзоларини бир ғоя остида бирлаштиради. Ўзаро ҳурмат, меҳр, вафо, садоқатни мустаҳкамлайди. Ўзбек халқининг қадимдан ҳозиргача етиб келган оилавий урф-одат, маросим ва анъаналари мавжуд бўлиб, уларни биз қадимдан қолган тошбитик ёдгорликларида, халқ оғзаки ижодида, жумладан, “Алпомиш”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби достонларда оилавий қадриятлар сақланиб келганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги келтирилган достонларда оилавий муносабатлардаги урф-одат ва қадриятларга алоҳида эътибор қаратилади. Қиз узатишда ва келин туширишдаги жараёнлар акс этганлиги, оилада эркак ва аёлнинг алоҳида ўрни борлиги ҳақидаги фикрлар, қадимдан халқимизнинг кундалик турмуш-тарзидан дарак беради. Мазкур достонларда йигит ва қизнинг ўзаро муносабатлари пинҳон тутилади. Уларнинг муҳаббатлари ва садоқатлари бутун халқ эътиборига тушса-да, ошкоралик чекинади. Ўзаро ҳурмат ҳар доим биринчи ўринга қўйилади. Албатта, йигит ва қизнинг турмуш қуришларида ота-онанинг ва яқинларининг фикрлари инобатга олинади. Бундай тузилган ришта кўп ҳолларда умрбодга сақланиб қолган.

Юртимиз ҳудудида бир неча асрлар давомида диний эътиқод сифатида қаралган зардуштийлик таълимотида оила қадриятларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, оилавий маросимлар диний эътиқод даражасига кўтарилган. Оилада ҳар бир оила аъзосининг вазифа ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Оилага муқаддас қадрият сифатида эътибор қаратилган. Йигит ва қизнинг турмуш қуришлари масъулият ҳисобланган. Никоҳ маросимида келин келганда уни 7 марта олов атрофида айлантирилиши каби диний қадриятларга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, йигит ва қизнинг турмуш қуришида уларнинг розиликлари эмас, жамоа келишуви ҳамда ота-оналарнинг розилиги муҳим ҳисобланган. Айниқса, зардуштийлик таълимотида аёллар масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аёллар фарзанд тарбиячиси, уй бекаси, жамият вакили, авлодлар давомийлигини таъминловчи муқаддас она сифатида эътироф этилган. Аёлларнинг оилада ўз вазифалари бўлиб, улар уй ишлари ва фарзанд тарбияси билан шуғулланган. Эркаклар эса оила боқувчиси ва жамият бошқарувчиси бўлган. Зардуштийлик таълимотида оиладаги урф-одат ва қадриятлар диний эътиқод даражасига кўтарилган. Халқимизда ҳозиргача ҳам сақланиб

қолган ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, вазифа ва бурчларининг тартибга солиниши каби кўплаб оилавий қадриятлар зардуштийлик таълимотига бориб тақалади. Зардуштийлик таълимотидан ҳозиргача кўплаб оилавий урф – одат ва қадриятлар сақланиб қолган.

Юртимиз ҳудудига ислом дини кириб келиши муносабати билан оташпарастлик дини ва ундаги оилавий қадриятлар ўзгарди. Ҳозирда эса ушбу қадриятларнинг аксарияти ўз аҳамиятини йўқотган. Ислом таълимотига асосан эр-хотинлик алоқаси никоҳланмоқчи бўлган икки тарафдан бирининг никоҳланиш рағбатини билдириши ва иккинчисининг ўша рағбатни қабул қилиши ила юзага чиқади [2. Б. 26]. Яъни, никоҳ икки тарафнинг розилиги асосида қурилади. Никоҳ алоқаси ҳақида Қуръони Каримда оятлар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадисларида ўнлаб таълимотлар ҳамда Ислом фиқҳида қатор ҳукмлар келтирилган [2. Б. 30]. Уларда оила аъзоларининг оиладаги ҳуқуқ ва бурчлари қатъий белгилаб қўйилган.

Ислом дини халқимиз ҳаёти ва турмуш тарзида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўзбек халқининг урф-одат ва қадриятларини шаръий ақидалар асосида тартибга солади. Унга кўра, оилада отанинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ота оила боши, оиланинг моддий ва маънавий таъминотчиси, жамият ва давлат бошқарувчиси, оила ва жамиятда ҳукм чиқарувчи ва қарор қабул қилувчи ягона инсондир. Ҳадиси шарифда келтирилишича, “Эр киши ўз аҳли байтида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур” [2. Б. 26.]. Яъни, ота бўлишлик буюк шараф бўлиб, оила аъзоларининг бошлиғи, оиланинг бошқарувчиси ҳисобланади. Оила аъзолари ҳар бир ишларини оила бошлиғидан сўраши, ўзаро маслаҳатлашиши ота рози бўлгандагина бирор ишга қўл уруши назарда тутилади. Оилада отанинг ҳуқуқлари билан биргаликда мажбуриятлари ҳам мавжудир. Ота оила аъзоларини моддий ва маънавий таъминламоғи шарт ҳисобланади.

Оила қадриятлари ва урф-одатларини талқин қилиб, кўплаб буюк алломалар илмий тадқиқотлар олиб боганлар. Улар ўзларининг асарларида ҳамда таълимотларида бу борада шарқона руҳда ёндашганлар. Буюк аждодларимизнинг маънавий меросида, жумладан, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат каби алломаларимиз ижодида оила муқаддас қадрият эканлиги, турмуш қуриш авлодлар давомийлигини таъминлаши, оилавий муносабатлар мустаҳкамланишида урф-одат ва қадриятларнинг ўрни нақадар муҳимлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд. Шунингдек, буюк маънавий меросимизда аждодларимизнинг ўй-кечинмалари, орзу-умидлари, муқаддас қадриятлари намоён бўлади. Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий меросини ўрганар эканмиз, уларда баён қилинган оилавий турмуш қоидалари, ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, эркак билан аёл муносабати, фарзанд камолоти, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрларида оилавий қадрият ва урф-одатлар халқимиз турмуш-тарзининг бир қисми эканлигини кўрамиз. Жадид маърифатпарвари Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” китобида оила бошқаришга асос солиш Бани Одам маданиятининг асоси эканлиги [3. Б. 7] айтилади. Яъни, оила бўлиб яшаш барча тирик маҳлуқотларга берилган, лекин унда маданиятли бошқарув фақат инсонларгагина хос хусусият эканлигини тушунишимиз мумкин. Кўриниб турибдики, оиланинг ўзи бир муқаддас қадрият, ундаги урф-одат ва анъаналар эса ўша қадриятлар тизимига киради.

Қадимдан бугунги кунгача ўзбек халқида сақланиб қолган урф-одат ва қадриятлар инсонлар ҳаётини яхшилашга, маданиятни ривожлантиришга, жамиятни ислоҳ этишга хизмат қилади. Оилалардаги тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурар экан, жамият ва давлат ҳам гуллаб-яшнайди. Оилаларнинг тинч-тотув яшашларида ундаги қадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Инсонларда оиладаги муҳитга нисбатан соғлом фикрнинг бўлиши, оила мустаҳкамлигини кафолатлайди. Соғлом фикрлар эса, асосан, оилада шаклланади ва ривожланади. Фарзандларнинг дунёқарашлари ҳам даставвал оиладаги қадрият ва урф-одатлар доирасида шаклланади. Шунинг учун ҳам оилада фарзанд тарбияси алоҳида бир қадрият сифатида талқин этилади. Ўзбек оиласи борки, ҳар бирида она “алла”си янграйди. Бола тарбияси она алласидан бошланади. Ўзбек оналарининг алласида, онанинг меҳр-муҳаббати, ўй-кечинмалари, орзу-умидлари, ниятлари ва тилаклари акс этади. Алла тинглаб ўсган бола меҳрибон, раҳмдил, ота-онаси ва ватанига садоқатли бўлиб улғаяди. Лекин модернизация жараёнларида бошқа қадриятлар каби онанинг фарзанд тарбиясидаги қадриятлари трансформацияга учрамоқда. Ҳозир ҳам ҳар бир хонадонда алла янграйди. Лекин бугунги айрим ёш оналар фарзандлари учун ўзлари алла айтиш ўрнига турли замонавий техника ёрдамида фарзандига алла ижросини эшиттиришмоқда. Ўз онасининг ёқимли овозини эмас, турли овозларда айтилган аллаларни эшитган болалар ҳам қайсидир маънода шафқатсизроқ, бемеҳрроқ, эътиборсиз ва лоқайд бўлиб вояга етишига сабаб бўлади. Шундай экан оилавий қадриятларга алоҳида эътибор бериш, фарзанд тарбиясида, ўзаро оилавий муносабатларда қадриятлардан воз кечмаган ҳолда, бугунги замонавий таълим-тарбия

усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки миллий-оилавий қадриятларда узоқ йиллик тажриба, билим ва кўникмалар мавжуд.

Оиладаги барча қадриятлар инсон тараққиётига хизмат қиладими? Фаробий бу борада кераксиз урф-одатлардан (ҳозир ҳам оилавий ҳаётда, эр-хотин муносабатларида учрайди) воз кечиш, бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида гапириб, шундай дейди: “Раҳбарлар (эр ёки хотин) “ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмиш талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди”. Шунингдек, “Бахт-саодатга эришув йўлида нимаики (билим, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар) ёрдам берса, уни сақламоқ, мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур”лигини таъкидлайди [4. Б. 68]. Дарҳақиқат, урф-одат ва қадриятлар замонлар ўтиши билан ўзгариб, сайқалланиб янгича тус олади. Инсонлар учун бир вақтлар қадрият сифатида эъзозланган ва муқаддас ҳисобланган айрим қадриятлар цивилизация натижасида мутлақо ўзгариб кетиши ҳаттоки йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Бугунги кунда оилавий қадриятларда Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро уйғунлигини кўришимиз мумкин. Модернизация жараёнларида халқимизда оилавий қадриятларнинг трансформацияси кузатилмоқда. Муайян қадриятларга кундалик ҳаётимизда эҳтиёжнинг камайиши сабабли айримлари ўзгариб, баъзилари бутунлай йўқ бўлиб кетмоқда. Ўзбек халқининг оилавий қадриятлардан бири “бешик” ҳисобланади. Бешик қадимдан эъзозланиб миллий-оилавий қадриятга айланган. Ҳар бир ўзбек оиласида бешик бўлган ва чақалоқ туғилгандан сўнг, албатта, бешикка беланган. Бешик ўзбек оиласи учун фарзандга бўлган масъулиятни, меҳрни, эътибор рамзини ифодалаган бўлса, ҳозирда унга бўлган муносабат ўзгарди. Бир вақтлар оилавий қадрият сифатида қаралган бешикка бугунги кунда эҳтиёж сезилмаяпти. Демак, инсоннинг эҳтиёжлари, қарашлари, цивилизация жараёнларидан келиб чиқиб, миллий қадриятлар ўзгаради. Уларни қанчалик эъзозласак ва улуғласак ҳам унга нисбатан инсонларда эҳтиёж йўқ экан, бу қадрият ўз-ўзидан йўқолиб боради. Кўриниб турибдики, қадрият инсонлар учун унга бўлган эҳтиёжлар билан ўлчанади. Қадриятлар ўзгаради, аммо бутунлай йўқолиб кетмайди, чунки улар инсон ҳаётининг бир бўлагига ҳамда мазмунига айланган. Қадимдан ота-боболаримиз томонидан эъзозлаб келинган анимизм, фетишизм, тотемизм, кейинчалик эса зардуштийлик, шомонлик динлардан сақланиб қолган қадриятлар ҳам бутунлигича йўқ бўлиб кетмади. Уларнинг қайсидир хусусиятлари, кўринишлари ҳозиргача дин сифатида эмас, қадрият сифатида сақланиб қолган. Айрим оилавий қадриятлар борки, улар инсонлар ҳаётида қанчалик аҳамиятга эгалиги билан эмас, авлоддан-авлодга ўтиб келганлиги билан сақланиб қолган.

Маърифатпарвар ижодкор Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асаридаги Отабекнинг отасига бўлган муносабати ва отаси билан ўртасидаги муомала маданияти халқимизнинг отани нақадар ҳурмати баланд эканлигидан далолат беради. Отасининг “ўғлим, ҳали сан эшитдингми, йўқми, ҳайтовур, биз санинг устиндан бир иш қилиб қўйдиқ...” [5. Б. 150] деган фикрига ҳеч қандай эътирозсиз “Ақллик кишиларнинг ўғуллари устидан қилған ишлари албатта номаъқул бўлмас” дея жавоб бериши ота-онанинг фарзанд вояга етганидан кейин ҳам унга ғамхўрлик қилиши, улар ҳақида қайғуришга ва ҳатто фарзандларининг шахсий ҳаёти билан боғлиқ масалаларда қарор қабул қилишлари ва бунга нисбатан фарзандларнинг тўғри муносабатда бўлиши ва қарорларини ҳурмат қилиши кўриниб турибди. Ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муқаддас ришталар ўзбек халқи томонидан доимо эъзозланиб келинган. Дастлаб ота-оналар фарзандлари розилигисиз ҳам қарор қабул қилган ва шу муқаддас оилавий қадрият ҳисобланган. Бугунги кунга келиб эса ота-оналар кўп масалаларда фарзандларининг розилиги асосида қарор қабул қилиб иш юритмоқдалар. Бугунги кун нуқтаи назаридан ушбу ҳолат оилавий қадриятга айланди.

Россия империяси Туркистонни босиб олган даврдан ўлкамиздаги оилавий қадриятлар моҳиятан ўзгариб кетди. Россия маданиятининг кириб келиши билан ўзбек оилаларга кўплаб янги қадриятлар кириб келди. Бу даврда қанчадан-қанча туркистонликлар бошига мусофирлик, ғариблик кулфати тушган. Ана шундай сиёсатнинг оқибатида минглаб кишилар, айниқса, ёш авлод вакиллари ота-боболарини, ўз шажарасини, уруғ-аймоғини билмайдиган манқуртларга айланиб қолди. Илгари мўмин-мусулмон етти авлодининг исмини ёд билган бўлса, ҳозирда кўп ёшлар 3-4 авлодини исмини билади, холос [6. Б. 46]. Ўз авлод-аждодини тарихиини билмайдиган инсонларда оилага бўлган меҳр-оқибат, садоқат ҳам, аждодларидан фахрланиш руҳи ҳам бўлмайди. Ўзбек халқини мана шундай манқуртга айлантиришга бўлган ҳаракатлар оилавий қадриятларни таназзулга учрашига сабаб бўлди. Ёшлар аввал бир-бирларини кўриб, танишиб, сўнгра никоҳ қуриш ҳақидаги фикрларини ошкор қиладиган, оила қураётганлар тўй-маросимларини жамоат даврасида ўтказадиган бўлдилар. Шу билан биргаликда, оила аъзолари эркаклар ҳам, аёллар ҳам бир дастурхон атрофида ўтириши, ҳамма оила аъзолари учун

алоҳида идишларда таом тортилиши, қошиқлар ва вилкалардан фойдаланиш каби одатлар пайдо бўлди. Оилада эр билан аёлнинг фикрлари тенглаштирилди. Бу даврда оила “демократияси” яққол намоён бўлди. Рус маданиятининг кириб келиши ўзбек оилаларидаги миллий қадрият ва урф-одатларнинг трансформациясига сабаб бўлди.

Оилавий қадриятлар замонлар оша сайқаланиб, трансформацияга учраб янгича кўринишларда намоён бўлди. Айрим қадриятлар ўзгарса ҳам, ўзгармаса ҳам ўз моҳиятини ва кучини йўқотмади. Ўзбек халқининг миллий – оилавий қадриятлардан, ор-номус, андиша, ибо, ҳаё каби меъёрлари замонлар ўтса-да, ўзининг моҳиятини сақлаб қолди.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг барча расм-русумлари ва урф-одатларни қайта тиклашга алоҳида эътибор берилди ва миллий қадриятлар таъминланди. Оилаларни мустаҳкамлаш, ёш авлодни баркамол ва соғлом қилиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатимизда 1997 йилнинг “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йилнинг “Оила йили”, 2001 йилнинг “Соғлом авлод йили”, 2008 йилнинг “Ёшлар йили”, 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб аталиши ва бу тўғрисидаги Давлат дастурларининг қабул қилиниши ҳамда амалда оилавий тарбия сабоқларининг оширилиши ҳам юқоридаги фикримиз далилидир.

Бугун авлодлар давомийлини таъминлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оилада соғлом муҳитни яратиш, шу билан бирга миллат келажагини сақлаб қолишни давр тақозо этмоқда. Ана шу зарурийтдан келиб чиққан ҳолда, оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш масаласи ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий аҳамият касб этмоқда [7. Б. 6].

Оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда, биринчи навбатда, ҳудудлардаги урф-одат ва қадриятлар инобатга олиниб, оила қонунчилиги яратилди. Совет ҳукмронлиги даврида “эскилик сарқитига” айланган урф-одат ва қадриятлар қайта тикланди. Бош қомусимизда акс этганидек, республика фуқаросининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаб [8. Б. 3], оилавий маросимлар ўша ҳудуднинг урф-одат ва маросимларини ҳисобга олган ҳолда, ўтказилиши оила қонунчилигига киритилди. 1998 йилда қабул қилинган 298 моддадан иборат “Оила кодекси”нинг қабул қилинишида оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирор шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ва бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатлиги [9. Б. 5] оила қонунчилигидаги илк қадамларда намоён бўлди. Мустақилликнингг илк кунлариданоқ оилавий муносабатлар мустаҳкамланишига катта эътибор қаратилди, ўзбек халқининг урф-одат ва маросимларини, турмуш-тарзини ҳисобга олган ҳолда оилавий муносабатлар қонуний тартибга солинди. “Оила йили” давлат дастури доирасида кўплаб ёрдамга муҳтож оилалар қўллаб-қувватланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оилаларни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза этишга бағишланди. “Оила кодекси”да ҳам ушбу ҳолат акс этди. Бундан ташқари, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича халқаро конвенциялар ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [10] бир қатор Президент фармонлари ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг ижросини таъминланишида оилавий қадрият ва урф-одатларнинг ҳуқуқий муҳофаза қилинганлиги кўришимиз мумкин. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида бир қатор йўналишлар, хусусан, “...оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш”, борасидаги масалалар доирасида кўплаб ёрдамга муҳтож оилалар қўллаб-қувватланди, уларга кўмак берилди. Кўплаб намунавий уйлар қурилиб, оилаларга топширилди, аҳолини репрадуктив саломатлигини таъминлаш бўйича оилавий поликлиникалар фаолияти яхшиланди, ёш оилалар учун алоҳида имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонни амалиётга тадбиқ этиш, ёшларни қўллаб-қуватлаш, ёш оилаларни муносиб турмуш-тарзи учун етарли шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий ислоҳотлар ўтказилди. 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон ҳамда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармоннинг қабул қилиниши ўзбек халқининг оила қадриятлари ва урф-одатларига бўлган масъулиятни янада мустаҳкамлади. Бу борада оила институтининг фаолияти ёш оилалар билан ишлаш бўйича янгича замонавий методлардан фойдаланиши оилаларни мустаҳкамлигига хизмат қилиши бўйича 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонлари [10] ва уларни амалга ошириш бўйича даъватлари юқоридаги фикрларимизнинг исботидир.

Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлиги асосан оила тузилмасини ўрганишга қаратилган. Оила қадриятлари ва урф-одатлари масалаларига бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Р.Р.Комилов [11], Г.Н.Эшанова [12], К.Х.Усмонов [13], Г.Ш.Зунунова [14], М.Р.Деҳқонов [15], Р.Ҳ.Рўзиева [16] каби ёш олимларнинг ишларида ўзбек халқи оилавий урф-одатлари ва қадриятларига оид масалалар атрофлича ёритиб берилди. “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази доирасида бу соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Оила маркази томонидан, репродуктив саломатлик ва оилани демографик ривожланишини такомиллаштириш, ноқобил оилалар ҳолатини яхшилаш, замонавий оила моделини тарғиб қилиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Оилаларни илмий тадқиқ этишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари ва қадриятларини эътиборга олиш зарур” [17] эканлигини таъкидлар экан, оила ҳақидаги тадқиқотларни олиб боришда, ўша худуднинг урф-одат ва қадриятларини четлаб ўтиб бўлмаслигига алоҳида урғу берди ва бу масала сиёсий тус олди. Дарҳақиқат, инсонларни бирлаштирувчи, ўзаро ҳурмат, қадр-қиммат, садоқат каби ришталарни мустаҳкамланишида худудлардаги урф-одат ва қадриятлар катта аҳамиятга эга. Инсонлар ота-боболаридан мерос бўлиб сақланиб қолган бундай одатлардан тез фурсатда кеча олмайди. Бундай қадриятлардан кечиш ота-боболарининг руҳларига хиёнат даражасида ҳам қабул қилиниши мумкин. Шундай экан айрим қадриятлар борки, улар замонавий турмуш-тарзига мос келмаса ҳам, инсонлар томонидан эъзозланиб келинади. Ҳаттоки, ушбу қадиятлар бирор диний ёки қонуний жиҳатларни ифодалай олмаса ҳам.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, оила ўзбек халқи учун қадимдан муқаддас қадрият сифатида эъзозланган. Ота-боболаримиз томонидан оилани асраб-авйлаш, уни шаъни ва қадр-қимматига путур еткизмаслик, оила инсон шахсини белгиловчи муқаддас қўрғон эканлиги ўргатиб келинган. Шунинг учун ҳам қиз узатилаётганда, келин олаётганда ота-онаси ва шажараси суриштирилади. Чунки инсоннинг келажакда қандай шахс бўлиб етишиши оиладаги олган тарбия ва оила муҳитига боғлиқ. Доно халқимизда “Қуш инида кўрганини қилади” деган нақл авлоддан-авлодга ўтиб сақланиб келган. Оилада соғлом муҳитнинг яратилиши фарзандлар келажагини таъминловчи мезондир. Оила қуришда ота-она ва яқинларининг фикрлари инобатга олинади. Ўзаро совчилик, қуда-андачилик тамойиллари доим муҳим аҳамият касб этиб келган. Оилада ҳар бир оила аъзосининг ўз ўрни ва вазифалари белгиланган. Ота – оила боши бўлса, она – унинг ёрдамчиси, фарзандлар оила давомчилари сифатида қаралади. Ўзбек миллий оилавий қадриятлари; овқатланиш, саломлашиш, фарзандларга, ота-онага ғамхўрлик қилиш каби тамойилларни ўз ичига олади. Ушбу қадриятлар негизида ўзбек халқининг оилавий турмуш-тарзи акс этади. Оилада ота-онасига муносиб фарзанд бўлиш, эъзозлаш, ғамхўрлик қилиш масъулияти ҳар доим мажбурият ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фарзандлар вояга етгунларига қадар ота-оналар ғамхўрлик қилишга, фарзандлар вояга етганлардан сўнг ота-оналарига ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Ушбу конституцион моддаларнинг қабул қилинишида, халқимиз турмуш-тарзи, ижтимоий муҳити асос қилиб олинган. Ота-оналар ҳам фарзандларига муносиб таълим-тарбия бериши, ҳаттоки вояга етиб, оилали бўлганларида ҳам фарзандлари учун ғамхўрлик қилиши миллий оилавий қадриятга айланган. Ўзбек оилавий қадриятларининг ўзига хос яна бир жиҳати оилада кексаларга бўлган муносабат. Халқнинг маданий ҳаётида катта авлодни эъзозлаш ва ҳурмат қилиш миллий анъанадир. Уларнинг панд-насиҳатлари, меҳрибончилиги, ибратли ҳикоялари шулар жумласидандир. Оилада ахлоқий меъёрларнинг қарор топишида кекса авлоднинг ҳаётий тажрибалари ва донишмандлиги юқори баҳоланади. Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу масалада бизга муносиб ўрнак бўла олади. Амир Темур фарзандлари ва набиралари тақдирига бефарқ бўлмаганлиги, уларнинг келажаги ҳақида қайғурганлиги, темурийлар оиласида буви ва боболарнинг алоҳида ўрни борлиги бизга тарихдан маълум. Демак, кексаларни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам оилада қарияларнинг роли қанчалик ўринли бўлса, оиланинг келажаги ва мустаҳкамлиги ҳам шунчалик мукаммал бўлади.

Демак, оилавий қадриятлар инсонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши муқаррар ҳодиса бўлиб, у авлодлар давомийлигини таъминлайди. Қадриятлардан тўғри фойдаланиш орқали оилалар бирлашади ҳамда оилавий муносабатлар мустаҳкамланади. Қачонки улар инсон манфаатларига мос бўлса, акс ҳолда ҳар қандай қадрият трансформацияга учраши мумкин. Шу нуқтаи на-

зардан, халқимизга хос бўлмаган оилавий ажримлар, турли низоли вазиятлар, ишсизлик, носоғлом муҳит, маънавий тушкунлик, эҳтиёжмандлик, жиноятга қўл уриш ҳолатлари каби омиллар, нотинч, ноқобил, кемтик оилалар ва қатор ижтимоий-маънавий муаммоларни пайдо қилмоқда. Агар ҳар бир ота-она фарзандини умуминсоний миллий қадриятлар руҳида тарбияласа кўплаб кўнгилсизликларнинг олди олинар эди. Бироқ бунинг имкони йўқ. Бунинг учун ота-оналар бундай қадриятларни ўзлари ўзлаштирмоқлари зарур.

Олиб борилаётган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни миллат менталитетига мос тарзда тарбиялашда, оила урф-одатлари, ва қадриятларини тўғри тушунтира олиш, уларни тарғиб қилишда, аждодларимиз бой меросидан оқилона фойдаланиш, уларни ижодини амалиётга тадбиқ қилиш яхши натижа беради. Зеро, оилавий урф-одат ва қадриятлар ёш авлоднинг келажакдаги фаолиятига катта таъсир ўтказади. Оила масъулияти бор экан инсонлар доим меҳнат қилади, изланади, жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Адабиётлар

1. *Саримсақов Б.* Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 234 б.
2. *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. Бахтиёр оила. –Тошкент: Хилол-нашр, 2018. – 528 б.
3. *Фитрат А.* Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Тошкент: Маънавият, 2000. – 112 б.
4. *Арапбаева Д.К.* Замонавий таълим // Современное образование, 2015. — №7. – Б. 68 - 72.
5. *Қодирий А.* Ўткан кунлар. – Тошкент: Info Capital Group, 2017. – 485 б.
6. *Тўланов Ж.* Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекстон, 1998. – 335 б.
7. *Файзиева М., Жабборов А.* Оилавий муносабатлар психологияси. –Тошкент, 2007. – 141 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституция. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 200 б.
9. *Ёдгоров Х., Ғуломова М., Умиров Э., Айтниязов П.* Оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низолар бўйича суд амалиёти. Судялар учун амалий қўлланма. –Тошкент: Baktria Press, 2015. – 223 б.
10. www.lex.uz.
11. *Комилов Р.Р.* Ўзбек миллати никоҳ маросимларининг генезиси ва эстетик эволюцияси. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс... автореф. – Самарқанд, 2019. – 51 б.
12. *Эшанова Г.Н.* Диний қадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг шахс маънавиятига таъсири. Фалсафа фан. номз… дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. – 26 б.
13. *Усмонов К.Х.* Ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик ғояларининг талқини. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс... автореферати. – Тошкент, 2017. – 20 б.
14. *Зунунова Г.Ш.* Тошкент ўзбекларининг моддий маданияти трансформацияси (XX аср – XXI аср бошлари). Тарих фан. докт. (Dsc) дисс. автореферати. Тошкент – 2017. – 65 б.
15. *Деҳқонов М.Р.* Исломда оила муносабатлари маданиятини ривожлантиришининг фалсафий таҳлили. Фалсафа фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2012. – 20 б.
16. *Рўзиева Р.Ҳ.* Жамиятнинг маънавий янгиланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари. Фалсафа фан. докт....дисс. автореферати. – Тошкент, 2012. – 49 б.
17. www.oilamarkazi.uz

TRANSFORMATION PROCESSES OF THE CONCEPT OF FAMILY CUSTOMS AND VALUES IN THE CULTURE OF THE UZBEK PEOPLE

Kh.M.Ismoilova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1 (45). 42 – 48.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *family values, customs, religious imagination, conviction, family relationships, nation, people, past, transformation.*

This article analyzes the origins, formation, transformation processes of family values and traditions of the Uzbek people through the stages of cultural development, scientific literature. At the same time, the views of oriental scholars on family, family traditions and family relations are described. Also, the reasons for the transformation of family values and traditions, the factors influencing them, have been studied in chronological terms.

Historically, every region, nation has family values and traditions. It is based on people's religious beliefs, interests, and needs as well. Family values are one of the most important ethnographic features that make certain people different from other people. It also reflects the lifestyle and thinking of the nation. At the same time, values

unite family members under one idea: strengthen mutual respect, kindness, commitment, and loyalty. The Uzbek people have a long tradition of family traditions, rituals and traditions that we can use in our ancient stone artifacts, folklore, including “Alpomish”, “Tahir and Zukhra”, “Farhod and Shirin”, “Leyli and Majnun”. We can see that the Uzbek people have preserved family values from ancient times. The above poems emphasize the customs and values of family relationships. Reflections on the processes of bride and grooming, and the role that men and women play in the family have been in evidence since ancient times. The Zoroastrian doctrine, which for many centuries has been a religious belief in our country, places a high emphasis on family values, and family rituals have risen to the level of religious faith.

Many great thinkers are engaged in scientific research and studies, explaining family values and traditions. In their writings and teachings they have been oriental in this regard. In the spiritual heritage of our great ancestors such as Abu Ali ibn Sina, Imam al-Bukhari, Abu Nasr Farabi, Yusuf Khos Hajib, Alisher Navoi, Abdurauf Fitrat, the family is a sacred value, ensures the continuity of marriage and strengthens family relationships and the importance of the role of values. Our great spiritual heritage also reflects the thoughts, hopes, and sacred values of our ancestors. As we study the scientific and cultural heritage of the Eastern thinkers, we see that family values and traditions are part of our people’s lives in their valuable ideas about the rules of family life, the culture of interpersonal relationships, the relationship between men and women, the birth of children and the formation of human qualities.

References

1. Sarimsakov, B. (1986) *O’zbek marosim folklori* [Uzbek ritual folklore]. Tashkent: Fan.
2. Sheikh Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. (2018) *Bahtiyor oila* [Happy Family]. Tashkent: Khilol-nashr.
3. Fitrat, A. (2000) *Oila yoki oila boshqarish tartiblari* [Family or family management arrangements]. Tashkent: Ma’naviyat.
4. Arapbaeva, D.K. Sharq allomalarining oia va tarbiya haqidagi qarashlari [Orientalists’ views on family and upbringing]. Zamonaviy ta’lim: // Sovremennoe obrazovanie, 2015.-№7. Pp.68 – 72.
5. Kadiri, Abdulla. (2017) *O‘tkan kunlar* [The past days]. Tashkent: Info Capital Group.
6. Tulanov, J. (1998). *Qadriyatlar falsafasi* [The philosophy of values]. Tashkent: Uzbekistan.
7. Fayzieva, M., Jabborov, A. (2007). *Oilaviy munosabatlar psihologiyasi* [Psychology of family relationships]. Tashkent.
8. *O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi* (200) The Constitution of the Republic of Uzbekistan. Tashkent: Uzbekistan.
9. Yodgorov, H., Gulyamova, M., Umirov E., Aitniyazov, P. (2015). *Oila va nikoh munosabatlaridan kelib chiquvchi nizolar bo’yicha sud amaliyoti. Sudyalar uchun amaliy qo’llanma* [Court practice in disputes arising from family and marriage relations. A Practical Guide to Judges]. Tashkent: Baktria Press.
10. www.lex.uz.
11. Komilov, R.R. *(*2019). O’zbek millati nikoh marosimlarining gentzisi va estetik evalyutsiyasi [The genesis and aesthetic evolution of Uzbek weddings]. Abstract of the dissertation for the degree Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophical Sciences. Samarkand.
12. Eshanova, G.N. (2011) Diniy qadriyatlar va tasviriy san’at integratsiyasining shaha ma’naviyatiga ta’siri [The Impact of Religious Values and the Integration of Fine Arts on Personal Spirituality]. Abstract of the dissertation for the degree candidate of philosophy sciences. Tashkent.
13. Usmanov, K.Kh. (2017). O’zbek xalqi ma’naviy ahloqiy merosida harbiy vatanparvarlik g’oylarining talqini [Interpretation of the ideas of military patriotism in the spiritual and moral heritage of the Uzbek people]. Abstract of the dissertation for the degree Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophical Sciences.Tashkent.
14. Zununova, G.Sh. (2017). Toshkent o’zbeklarining moddiy madaniyati transformatsiyasi. (XX asr-XXI asr boshlari [Transformation of material culture of Uzbeks in Tashkent (20th - beginning of the 21st century]. Abstract of the dissertation for the degree Doctor of History.-Tashkent.
15. Dehkanov, M.R. (2012). Islomda oila munosabatlari madaniyatini rivojlantirishning falsafiy tahlili [Philosophical analysis of the development of the culture of family relations in Islam]. Abstract of the dissertation for the degree candidate of philosophical sciences. Tashkent.
16. Ruzieva, R.H. [2012] .Jamiyatning ma’naviy yangilanishida milliy va umuminsoniy qadriyatlar uyg’unligini shakllantirish masalalari [Questions of formation of the harmony of national and universal values in the spiritual renewal of society]. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Sciences in Philosophy.Tashkent.
17. www.oilamarkazi.uz

Муаллиф ҳақида маълумот:

Исмоилова Ҳайитхон Маҳаммаджоновна – Андижон давлат университети фалсафа кафедраси ўқитувчиси. E-mail: hayitxon.ismoilova@bk.ru